Ишонч ёрлиқлари топширилди

29 октябрь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Яҳё бин Абдужаббор Ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари Малайзия элчисини ушбу шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланлгани билан табриклар экан, давлатларимиз орасидаги масофа олис бўлишига қарамай, ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд эканлигини қайд этди.

— Сизнинг элчи этиб тайинланганингиз ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга яхши сабаб бўлади, — деб ишонч билдирди Президент.

— Малайзия, халқингизнинг анъаналари бизга яхши таниш, муштарак жиҳатларимиз ҳам анчагина.

Яҳё бин Абдужаббор ўз миссияси даврида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримовга Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ҳусайн Нарокиён ҳам Ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи билан суҳбатда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Эрон халқлари бир-бирини яхши билишини ва тарихда жуда кўп воқеаларни биргаликда кечирганини таъкидлади. Шунингдек, халқларимиз қадимдан қўшничиликда яшаб келгани, муштарак анъаналарга эга эканини айтиб, ҳозирги кундаги муносабатларни ҳам шу асосда давом эттириш фойдали бўлишини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида икки томонлама ҳамда ЭКО ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди.

***

Шунингдек, Президент Ислом Каримов Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Артур Пугадан Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Элчининг Ўзбекистонда бошланаётган фаолиятига муваффақият тилар экан, Ислом Каримов, икки томонлама муносабатлар ўзаро ишонч асосига қурилгани ва изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам бўлиши ва халқларимизга бирдек манфаат келтириши учун турли даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида кўп иш қилинган. Жумладан, ҳозирга қадар йигирмадан ортиқ давлатлараро ҳужжат имзоланган. Бу икки мамлакат раҳбарларининг бир-бирини яхши тушуниши, бир-бирини қўллаб-қувватлашидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов элчи билан суҳбат чоғида Ўзбекистон Латвиянинг НАТО ва Европа Иттифоқига қўшилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

А.Пуга самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, ўзига икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшишдек шарафли вазифа юклатилганидан мамнуният изҳор этди ва бу йўлда бор куч-ғайратини ишга солажагини таъкидлади.

(ЎзА)

Словакия кўргазмага чорлайди

1999 йил 2-6 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ»да Словакия Республикаси кўргазмаси намойиши бошланади.

Маълумки, 1997 йилда мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар имзоланган эди. Шундан сўнг бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бунинг яна бир исботи мазкур кўргазманинг очилишидир.

Словакия Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Словакиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ва «Vystavnictvo Bratislava» ҳамкорликда «Словакия — сизнинг ишончли ҳамкорингиз» кўргазмасига ташкилотчилик қилмоқдалар.

Дарвоқе, кўргазмада Словакиянинг тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат, йўл қурилиши техникаси ва бошқа бир қатор соҳа корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилади.

«Ўзэкспомарказ»нинг 2-кўргазмалар павильонига Словакиянинг 20 га яқин йирик корхона ва фирмаларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари қўйилади. Ўйлаймизки, бу маҳсулотлар юртимиздаги барча тадбиркору ишбилармонларга манзур бўлади.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муаллима Америкага боради

Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар лицей-интернатининг инглиз тили муаллимаси Шоҳида Йўлдошева Ўзбекистон — Америка ҳамкорлик ташкилоти (АКСЕЛК) томонидан ўтказилган республика танлови ғолибаси деб топилди.

Танлов ғолибаси 2200 доллар қийматга эга бўлган нусха кўчирувчи аппарат, факс ҳамда ўқув қуроллари билан тақдирланди ҳамда Американинг Монтана штатида бўлиб ўтадиган халқаро семинарда иштирок этиш шарафига муяссар бўлди.

Ўз мухбиримиз

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 30 октябрь, шанба • № 127 (25.522).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганига 8 йил тўлади.
Барча маслакдошларимизни ушбу сана билан табриклаймиз ва партиямизнинг III Қурултойи қарорларини амалга оширишларида муваффақиятлар тилаймиз!

Тошкент вилояти меҳнаткашларига

Азиз дўстлар!

Сизларни пахта хирмонини 280 минг тоннага етказиб, шартнома режасини бажарганликларингиз билан самимий табриклайман.

Тошкент вилояти ўзининг улкан салоҳияти, имкониятлари, табиий бойликлари ва меҳнаткаш халқи билан мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда юртимизнинг равнақини, порлоқ келажагини таъминлашда, халқ хўжалигининг барча тармоқлари сингари пахтачилик соҳасида ҳам вилоят аҳолисининг муносиб ўрни бор. Сафингизда деҳқончилик борасида мактаб яратган миришкорлар борлигини яхши биламан. Улар эл-юрт олдида ҳамиша обрў-иззат қозонган инсонлардир.

Меҳнат зафарингизнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, сизлар терим стратегиясини пухта ишлаб чиқдингиз, синалган усулингиз — техникага таяниб янглишмадингиз. Вилоятда замонавий пахта териш машиналарида ўтган йилга нисбатан икки ҳисса кўп ҳосил йиғиб олинди. Натижада режа жуда қисқа фурсатда уддаланди.

Янги техника ва технологияга суяниш, меҳнатни тўғри ташкил этиш билан бирга, вилоят қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари ривож топаётганлиги ҳам ютуқлар омили бўлмоқда. Она-Ватан хирмонига яна 20 минг тонна ҳосил топширишга бел боғлаганингиз чинакам ватанпарварлигингиздан далолатдир.

Сизларни улкан зафарингиз билан яна бир бор табриклайман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақият тилайман.

Хирмонингизга, умрингизга барака!

Яратганнинг ўзи ҳамиша сизларга мададкор бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент вилояти деҳқонлари қабул пунктларига 280 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бериб, давлатга ҳосил топшириш режасини шараф билан бажардилар. Шуниси диққатга сазоворки, йиғим-терим юксак уюшқоқлик билан ташкил этилди. Натижада йиллик режа 30 иш кунида муваффақиятли бажарилди. Етиштирилган ҳосилнинг қарийб 92 фоизи юқори навларга топширилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўртача 27 центнерни ташкил этди. Эришилган ғалабага Чиноз, Оққўрғон, Пскент, Бекобод, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларининг пахтакорлари муносиб улуш қўшдилар. Бўка, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларининг деҳқонлари ҳам маррага тобора яқинлашмоқдалар. Вилоят пахтакорлари даладаги ҳосил чўғини ҳисоблаб чиқиб, режага қўшимча яна 20 минг тонна пахта топширишга ва ялпи хирмонни 300 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Суратларда: Бўка туманидаги Барот Умаров номли жамоа хўжалигининг илғор теримчилари Феруза Жўраева, Холида ва Азиза Алимовалар ҳамда хўжалик далаларида машина терими пайти.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар

Кимга овоз берасиз, замондош?!

Яхши замондошимизни кўрсак, тиниб-тинчимас замондошимизга дуч келсак, фикри тўқ замондошимизнинг суҳбатини тингласак ёки бирор бир каттароқ ишга қўл уришга чоғланган замондошимизга ҳавасимиз келган чоғлар ҳаёлимизда Президентимизнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин...» деган даъвати бот-бот жонланади.

Бу гапнинг, бу даъватнинг замирида нима бор?! Нега энди, Президент шундай деди?! Оддий, жайдаричасига, содда қилиб айтсак, ҳар биримиз бу ҳаётга келибмизми изимизни ёруғ этиб, ортимиздан келаётган фарзандларимизга, болаларимизга Ватанимизни фаровон ва чиройли қилиб қолдирайлик, бу бизнинг бурчимиз, бу биз қилишимиз зарур энг муҳим иш деган маъно бор... Улар ўқинмасинлар... Улар турли хил тўсиқу тазйиқлар гирдобига тушмасинлар. Биз каби руҳияти қуллиқ занжиридан зир қақшамасин... Биз каби... биз каби... Эй, қўйинг биродар, айтишга ҳам тил бормайди... Улар ўзлари каби ҳур ва озод, тўқ ва тетик, тинч яшасинлар.

Кейинги насллар биздан сўрайди: Бизнинг ҳаётимиз учун қандай эзгу ишларни қилдингиз? Агар шу сўров олдида бошимиз эгилмаса биз юрт учун нафли ҳаёт кечирган бўламиз...

Чунки, ҳурликка эришиб, омон-омон кунларга етиб... Президент ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Ҳукуматимиз раҳбариятининг авлодпарвар ва тараққийпарварлиги боис фарзандларимиз униб ўсиши, билим олиши учун кенгдан кенг имкониятлар яратили. Буни айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Лекин бугун ҳар қайсимиз шу йўлда қўлимиздан келаётган ишни қилаяпмизми? Эртанги авлодлар имтиҳонига тайёрмизми?

Бу гапларни ёзаётганимиздан мақсад Озод ва Обод Ватан қолдириш учун белни маҳкам боғлаш, дилни тафаккур қуёши сари чоғлаш даври етилганини яна бир карра эслатишдир. Мамлакатимиз эртаси, ёш авлод келажаги, тараққиёт поғонаси сари юксалиш учун ҳаммамиз қўлни қўлга бериб энг сара, энг ишончли, энг зукко ва фаол замондошларимизнинг Олий Мажлис депутатлигига номзодини қўллаб овоз берамиз.

Улар Парламентда яратилажак қонунларимизнинг туб моҳияти — Озод ва Обод Ватан қолдиришимизга қаратилганлигини чуқур ҳис қилиб, тушунадиган инсонлар бўлиши керак... Ана шундай кишиларнинг Парламент залидан ўрин олиши, энг аввало бизнинг, ҳаммамизнинг сиёсий фаоллигимизга боғлиқ.

Сиёсий фаоллик сайловлар жараёнида янада ёрқинроқ кўзга чалинади.

Сиёсий фаоллик — оммаларнинг, ҳар бир сайловчининг фаоллиги.

Сиёсий фаоллик мавжуд жамиятда ўсиш, тараққиёт юз бериши, яъни халқнинг сиёсий жиҳатдан камолот сари юз буришидир.

Демак' бугунимиз бошқача. Қарашларимиз ўзгача. Сайловларимиз ҳам бурунгисидан кескин фарқ қилади. Халқ ўз тақдир-аъмоли, истиқлоли барқарорлиги учун ушбу жараёнга

Сайлов ва сайловчи

теран муносабатда бўлади.

Эслайлик. Бундан 15 йиллар илгари... Қандай эди... Ким эдик. Айниқса, қишлоқ шароитидаги аҳволга бугуннинг кўзи билан қарасак, нечоғлик аянчли эканлиги аёнлашади. Оталаримизнинг, биздан катталарнинг сайловда иштирокини кузатганмиз... Сайлов дегани шу экан-да деб ўйлаганмиз ҳам. Бир киши барча қариндош- уруғларнинг, қўни-қўшнилларнинг бюллетенини йиғиб оларди-да сайлов қутисига ташлаб келарди. «Овоз берарди». Кимга? Табиийки, энди тушунсам, кимни қўллаб-қувватлаганини ўзи ҳам билмасди. Кремлга депутат сайладик, деб келишарди. Фалон колхоздаги сут соғувчи Москвонинг аъзоси бўлди, дейишарди, қишлоқдагилар... Табиийки, у кишига, Москванинг вакилига ҳамманинг ҳаваси келарди.

«Москванинг вакили» нима қиларди? Мавриди келганда Кремлнинг съездлар саройига йўл оларди... Тому-ташимиз пахта, ҳовлимиз пахта, тепамиздан самолётлар тинимсиз дори сепар, халқимизнинг — ҳаммамизнинг ичак-чавоғимизни куйдириб кетарди бу дорилар... Уша опамиз жим. Уша залда нима сабабдан ўтирганини ҳам билмасди, опамиз. Ўзбек болалари касалга чалиниб яримжон бўлиб борар, тинкаси қуриб борар, ариқларимизда сувларимиз заҳарланар, опамиз жим эди... Опамиз кўксидаги шўро тақиб қўйган медалга мағрурланиб қараб-қараб қўярди. Опамиз жим... Негаки, катта залда халқимиз бошига тушган фожиани англамасди опамиз. Бу унинг ақлига ҳам сиғмасди. Унинг дарди-ҳаёлида бу йил қанча сут соғиб оламан, бу йил ҳам «юқори»нинг назаридан қолмайманми, деган ўй қотиб қолганди. Опамиз, энг ёмони, шу кўрган-билганлари кўнглига ғаплик солган, иймонини безовта қилган тақдирда ҳам гапиролмасди — тил билмасди опамиз. Опамиз депутатлик деганда, алламбало бир сой устидан кўприк ўтказишни тушунди. Шўрлик шу нарса учун «курашди». Шуям охирига етмай қолди.

Яна бир даҳшатли фожиа — афғон уруши қанчалаб оилаларни қулфат домига тортиб, хонадонларимизни ғам ўтида ёқаётган кезлар, ҳатто у ёқдан ўз қўшнисининг тобути келган чоғлар ҳам опамиз «катта зал»да мудраб ўтирди. Шунда рус халқининг виждони, мункиллаб қолган чол, академик Сахаров оёққа қалқди. Урушни тўхтатинглар, болаларимизни ўз қўлимиз билан ўлдираяпмиз, ўзга юртга босқинчилик қилаяпмиз, деди. Опамиз ҳайрон. Бу чол нима деяпти? Тушунмади опамиз. Тушунмасди опамиз.

Биз ҳеч кимни айблаш, қоралаш ниятимиз йўқ. Фақат кечаги кун сабоқ бўлсин деймиз. Элнинг тетик фикрли, онгли, ҳушёр, Ватан деганда юраги зирқирайдиган, кўзи очиқ фарзандларига овоз берайлик демоқчимиз. Зеро, бизга ҳеч ким зуғум ўтказмайди, тазйиқ қилмайди бугун. Озодмиз, эркинмиз. Юрт бизники. Парламентимиз бизники. Президентимизни севамиз, ишонамиз. Келажагимиз қўлимизда. Сайлов халқнинг хоҳиш иродаси бугун. Агар Парламент залидагилар етук кишилар бўлса янада ўсамиз, келажак авлод биздан мамнун бўлади. Замондош, биз ортимизда Озод ва Обод Ватан қолишини истаймиз-ку! Болаларимизнинг шод-бахтиёр яшашини жон-дилимиздан хоҳлаймиз-ку! Энди бу ёғи сизга боғлиқ...

Кимга овоз берасиз, замондош!?

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Марказий сайлов комиссияси мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов мазкур масала хусусида ахборот бериб, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайлов кампаниясида муҳим босқич эканини таъкидлади. Марказий сайлов комиссияси 24 октябргача сиёсий партиялардан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган барча номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олган ва шундан кейин мазкур ҳужжатлар комиссия томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган. Бу ҳужжатларни ўрганиш жараёнида комиссиянинг барча аъзолари фаол иштирок этди. Улар депутатликка кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоли ва иш фаолияти, улар ҳаётига оид бошқа ҳужжатлар билан яқиндан танишди. Шунингдек, сайловчилар ва жамоат ташкилотлари ҳамда сайловчи гуруҳлардан номзодлар ҳақида келган хат ва шикоятлар, таклиф ва мулоҳазалар ҳам ўрганиб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, комиссия аъзолари тақдим этилган жамики ҳужжатлар сайловлар тўғрисидаги қонун талабларига қанчалик мос эканлигини ҳам кўриб чиқди. Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, мазкур моддада депутатликка даъвогар номзод олдига қўйиладиган талаблар аниқ баён этилган. Шу боис ҳар бир номзоднинг ана шу талабларга қанчалик тўғри келиши ва келмаслиги кўриб чиқилди. Буларнинг барчаси Марказий сайлов комиссиясининг хулоса ва қарорларида тўла акс эттирилди. Сиёсий партиялардан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депуталигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала муҳокамаси ҳам худди ана шу ўрганилган ҳужжатлар асосида бўлганлиги қайд қилинди.

Шундай қилиб, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 160 номзод, «Ватан тараққиёти» партиясидан 135, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 115, Фидокорлар миллий демократик партиясидан 223, Халқ демократик партиясидан эса 246 номзод рўйхатга олинди.

Мажлисда сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият вақиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш шу йилнинг 31 октябрига белгиланган.

Мажлисда республика Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р.Шоғуломовнинг мазкур қўмитанинг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахбороти тингланди.

(ЎзА)

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Ґазета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в	Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Деҳқон меҳнати маҳсулига муносабат шуми?

Жиззахлик пахтакорлар бу йил мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозиргача режадаги 258 минг тонна ҳосилнинг 237 минг тоннаси териб олинди. Тайёрлов пунктларидаги бунтлар — оқ олтин хирмонлари кун сайин кўпайиб бораяпти. Йиғим-теримда 250 тадан ортиқ терим машиналари, қатнашяпти, 141 мингдан кўпроқ теримчилар унум билан меҳнат қилишмоқда. Ҳозир ҳам кунига йиллик режанинг 1.5 фоиздан ошириб пахта тайёрланаяпти. Суръатни бўшаштирмаслик, етиштирилган бор ҳосилни тезлик билан териб олиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Хўш, тиним билмай қилинган меҳнат, кўпдан-кўп сарф-харажатлар, уйқусиз тунлару, ҳаловатсиз кунлар ҳисобига етиштирилган қимматбаҳо саноат хомашёси бўлган пахта ҳосилини қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашга масъул бўлган вилоят пахтасаноатсотиш тизимида аҳвол қандай? Ушбу тизимда ишлаётган мутасаддилар деҳқон меҳнатининг маҳсулига қай тарзда муносабатда бўлишаяпти?

Очиғи, вилоятдаги Учтепа, Зафаробод, Акмал Икромов, Дўстлик пахта тозалаш корхоналарида бўлганимизда ва шу ҳудудлардаги тайёрлов пунктларида қабул қилиб олинаётган пахта ҳосилини сақлашнинг аҳволи билан танишганимизда ҳафсаламиз пир бўлди. Бу

Лўқма

ерларда қад ростлаган бунтлар — пахта хирмонларининг кўпларини усти ҳали ёпилмаган. Сабаби оддий: брезент ёпқичлари етишмаяпти.

— Туманимиз далаларидан 47200 тоннадан ортиқ пахта териб олинди ва шунча ҳосил мавжуд 4 та тайёрлов пунктларига топширилди, — дейди Дўстлик тумани ҳокими Сайфиддин Исмоилов. — Афсуски, пунктлардаги мутасаддилар, пахтасаноатсотиш тизимидаги жавобгар шахсларнинг айби билан нафақат деҳқоннинг, балки халқимизнинг ризқу насибаси бўлган қимматбаҳо хомашёдан жамланган 74 та бунтдан 70 фоиздан кўпроғининг усти очиқ-сочиқ турибди. Куз ҳавоси беқарор бўлади. Шундай бўлгач деҳқон меҳнатининг маҳсули — пахтамизнинг ҳоли не кечади? Ёғингарчилик таъсирида толанинг сифати пасайиб, жаҳон бозорида унга нисбатан талаб сусаймайдими? Бундан кимга фойдаю, кимга зиён?

Ҳокимни ташвишлантираётган бу каби саволларни биз Жиззах, Зафаробод, Пахтакор туманларидаги кўпгина хўжаликлар раҳбарларидан, бевосита тайёрлов пунктларида ишлаётган ишчи-хизматчилардан ҳам эшитдик.

— 40 дона брезент ёпқичга буюртма берганмиз, — дейди Акмал Икромов пахта тозалаш корхонасига қарашли «Самарқанд» тайёрлов пункти товаршуноси Бегмурод Турдиев. — Ҳозирча биттаям брезент олганимиз йўқ. Тўғри, 4-5 та эски брезент ёпқичимиз бор. Ёғингарчилик бўлиб қолса, шуларга ишониб турибмиз.

Вилоят бўйича ҳаммаси бўлиб 5800 та брезент ёпқич талаб қилинар экан. Бугун эса эски-тускиларининг қўшиб ҳисоблаганда 2700 тага яқин шундай ёпқич бор, холос. Уларнинг ҳам тенг ярми бир неча йиллардан бери ишлатилганлиги сабабли фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Ҳақли савол туғилади: «Жиззахпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмасидаги мутасаддилар (бирлашма раиси жаноб Орзимат Артукметов) республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан, шу қарор билан ушбу тизим ходимлари олдига қўйилган долзарб вазифалардан бехабармиди? Ёки ўтмишдан мерос бўлиб келаётган зарарли иллат — боқимандалик, лоқайдлик, масъулиятсизлик уларни шу кўйга солганмикин?

Нима бўлгандаям деҳқоннинг, кўнглиям пахтасидай пок бўлган пахтакорнинг меҳнати маҳсулига бундай муносабатда бўлиш адолатдан эмас.

Ибраҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, академик Бўрибой Аҳмедов:

«Ўзимни том маънода жасоратли одам дейолмайман, лекин билганимдан қолмаслигимни яхши биламан, бир қадар ўжарман»

— Миллат тарихини яратиш, кечмишини рўйи-рост ёруғликка олиб чиқиш буюк иш. Ота-боболаримиз наслнасабини тарих қилишни касб этишган, етти авлодини билишни фарз деб ҳисоблашган. Тарих — миллатни соғлом қилиб вояга етказадиган қувват. Шу кунларда ўз тарихимизни тиклашга киришилди, айтингчи, уни ёзаётганлар лойиқми тарихни тиклашга?

— Биз ўзбеклар яқинда пайдо бўлган халқ эмасмиз. Ўқ илдизимиз, тарихимиз қадим-қадим замонларга бориб тақалади. Археолог олимларимизнинг Хоразмда, Сурхондарёда, Тошкентда ва Фарғонада олиб борган текширишлари ва бу текширишларнинг дастлабки натижалари халқимиз тарихи қарийб 3 минг йил эканлигини кўрсатиб турибди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу кўҳна юрт жаҳонга машҳур бўлган Хоразм, Грек-Бақтрия, Кушонлар, Сўғдиёна, Паркана (Фарғона), Қанғ, Чиғатой улуси, Темурийлар давлати каби буюк давлатлар ҳукм юритган, жаҳондаги кўп давлатлар билан алоқа ўрнатган давлатларга макон бўлган. Мамлакатимизда экономика, илм-фан ва маданият тараққий этган.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз тарихи бор, авлод-аждоди бор халқмиз. Лекин, замоннинг зайли билан тарихимизни унитаёзганмиз. Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 1998 йили мамлакатимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан бўлган учрашувида «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», деб жуда тўғри айтган эдилар. Аслини олганда, тарихимизни яхши билмаймиз. У ҳали ёзилмаган. Борлари ярамайди, яхши ёзилмаган. Тарих, ҳақиқий тарих эса далил ва исботларга таяниб яратилади.

Лекин, афсуски, айрим сабаблар билан, кўпроқ ўзимизнинг лоқайдлигимиз, бизларда шижоат ва қатъиятлилик етишмаслиги сабабли, холис тарихимиз ҳали-ҳануз яратилмади. Бу ишга энди киришаётибмиз. Аммо бу уринишларнинг муваффақият билан якунланиши кўп жиҳатдан иш тепасида тил билган, манбалар билан ишлаш малакасига эга бўлган мутахассис кишиларнинг туришига боғлиқ. Ва яна ўртада якдиллик, дўстона ҳамкорлик бўлишига боғлиқ, кекса олимлар билан ёшларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашларига боғлиқ. Халқ орасида қадимдан келаётган бир яхши анъана— бирдамлик ва ҳамкорлик деган нарса бор. «Ёшлардан кексаларга иззат-ҳурмат, кексалардан ёшларга шафқат, мурувват» деган яхши мақол бор.

— Ҳар бир даврнинг ўз ғоялари, янгиланиш босқичлари бўлган. Жадидлар ҳам янги жамият қуриш тарафдорлари эдилар. Мен айтмоқчи бўлганим баъзи олимлар жадидчиликка алоқаси бўлмаган қози-калонларни ҳам жадид деб тарғиб қилишмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Фикрингизга тўла-тўкис қўшиламан, Норбобо, ҳар бир даврнинг ўзига яраша ғоялари, қонун-қоидалари бўлган. Бусиз жамият кун кечиролмайди. Хуллас, тарихда ўтган ҳар бир жамиятнинг маълум ғояси, қонун-қоидалари бўлган. Катта ер эгаларининг ҳам, завод-фабрика эгаларининг ҳам, яъни капиталистларнинг ҳам ўзига яраша ғоялари, қонун-қоидалари бўлган.

Сиз тилга олган жадидлар масаласига келсак, жадидлар ҳаракатининг пайдо бўлишига, менинг

Миллат ва тарих

фикримча, икки нарса сабаб бўлган: биринчиси, халқимизнинг ижтимоий ҳаётида кўпдан ҳукм сурриб келаётган иқтисодий, маънавий ва маданий қолоқлик ва иккинчиси, мустамлакачиларнинг тобора кучайиб бораётган зулми. Ўзбек зиёлиларининг илғор қисми орасидан чиққан бу ҳаракат — жадидлар ҳаракати жамиятимизнинг маорифи, маданияти, шунингдек, экономикасига илғор хорижий мамлакатлардаги прогрессив ўзгаришларни (янгиликларни) олиб киришга қаратилган ҳаракат эди. Бир сўз билан айтганда, жадидлар истиқлол эдилар. Ҳозир жадидлар эл оғзида, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти тан олинган замон. Шунинг учун ҳам жадидизм бўйича ҳар хил «мутахассислар» кўпаймоқда. Жадидлар сафи ҳам кенгайиб боряпти, чамаси. Худди кейинги йиллари Темур тарафдорлари ва темуршунослар сони кўпайиб кетганига ўхшаб . Лекин, барибир, одамлар сарани сарага, пучакни пучакка ажратиб олишади. Жадидизм ғоялари ва жадидлар ҳаракатининг асл моҳиятини яхши тушуниб англаш учун жадидларнинг илмий ва адабий меросини, ўз вақтида нашр этилганларини ҳам, қўлёзма шаклида сақланиб қолганларини ҳам чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш лозим. Шундан кейин ҳамма нарса равшан бўлади, қолади.

— Шўролар даврида ўз ота-бобосини қоралаб, тарихчилик нонини еганлар бугун сиёсатга қараб турланмоқдалар. Ўзларини фидойи, жонкуяр қилиб кўрсатишмоқда. Уларнинг тарихни яратишга аралашаётганини ёқлайсизми?

— Бу фикрингизга ҳам қўшиламан, Норбобо. Афсуски, орамизда кеча ота-бобосидан юз ўгириб, бугун, замон ўзгарганда, уларнинг этагига тирмашиб олиб, «шўролар зулмидан дод!» деб юрган «тарихчилар» йўқ эмас. Кечагина мамлакатимиз мустақиллиги учун жонини фидо қилган кишиларимизни босмачи деб атаган «тарихчилар»ни, ислом таълимотини аксилинсоният таълимот, инсон хотирасини заҳарловчи афюн деб, мусулмон уламоларини эса тараққиёт душманлари деб атаган файласуф-худосизларни биламан. Шундайлардан баъзилари орамизда юришибди. Мен, умуман ўз фикрида собит бўлмаганларни хуш кўрмайман. Улар субутсиз кишилар. Бундайлар, аслини олганда, кимга ҳам ёқади?!

— Амир Темур қомусини яратиш ҳақида фикр-мулоҳазалар бўлган эди. Бу хайрли иш рўёбга чиқишига умид боғласак бўладими?

— «Темурийлар энциклопедияси»ни яратиш фикри бундан 3-4 йил аввал кўтарилган эди. Янглишмасам, бу фикр «Ўзбек миллий энциклопедияси» таҳрир ҳайъати йиғилган пайтда кўтарилган эди. Лекин бу иш, яхшилаб ўйлаб кўрилганда, анча мушкул иш. Аммо уни қилиш албатта керак. «Темурийлар энциклопедияси» жуда зарур нарса. Агарда «Ўзбек миллий энциклопедияси»нинг таҳрир ҳайъати ва республика Фанлар академияси бу ишга бош-қош бўлса, ўз атрофига етук темуршунос олимларни, зиёлиларни уюштира билса бундай нашрни яратиш мумкин.

— Тарихчиларимизнинг миллат тарихини яратишга киришгани энг улуғ ишлардан бири. Лекин ҳаққоний тарих яратилиши учун манбаа тақчиллиги йўқми? Бор бўлса уни ўқий оладиган иймонли, виждонли мутахассислар етарлими?

— Ўзбек халқининг кўп минг йиллик холис тарихини яратиш ишлари 1998 йили бошланган. Мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг илмий фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги махсус қароридан кейин бошланган. Бу иш ўша тарих институтида олиб бориляпти. Лекин, ишнинг бориши, бу иш қачон поёнига етишидан хабарим йўқ. Ўйлашимча, бу йўлда айрим жиддий қийинчиликлар борга ўхшайди. Манбалар хусусида тақчиллигимиз йўқ. Манбалар етарли. Лекин, ўша манбаларни ўқий оладиган одамлар кам. Бу борада менинг иккита таклифим бор: 1. Республикада ҳозирда фаолият кўрсатиб турган шарқшунослик институтлари, университетларнинг тарих факультетларида турли тилларда ёзилган тарихий манбаларни ўқий оладиган малакали кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу иш кўп йилни талаб қилади. Шунинг учун: 2. Тил биладиган, турли тилларда ёзилган тарихий манбаларни бемалол ўқий оладиган тарихчи олимлар ҳам бор. Тўғри, улар бир қадар қартайиб қолишган. Лекин, фикрлай оладиган, манба устида ишлай оладиган одамлар, улар. Уларни дурустроқ бирон илмий муассасага уюштириб, зарур шароит яратилса бўлгани. Еш мутахассисларнинг етишишини кутиб ўтирсак вақтдан ютқизамиз. Ёш мутахассислар олий ўқув юртини битиргандан кейин қўлёзма китоблар ва турли хил ҳужжатларни ўқиб таржима қила оладиган кадрни етиштириш учун йўқ деганда 10 йил вақт талаб қилинади.

— Соҳибқирон Амир Темурнинг қайта туғилиб, ўз қадриятларини яна тиклашига ишонган ва бу йўлда хавф-хатардан ҳам ҳайиқмаган инсонолим сифатида айтингчи, жоҳилият даврида бундай ишончни, бундай жасоратни қайдан топдингиз?

— Илм умуман ҳар қандай касб-ҳунар меҳнат ва жасоратни талаб қилади. Фақат касб-корини суюш, унинг йўлида тиним билмай меҳнат қилиш йўли билангина яхши, эл суйган косиб ёки олим киши бўлиб етишиш мумкин. Ва яна жасорат ҳам керак. «Мен бундай деб ёзиб қўйсам, бошқалар нима дер эканлар?», «Эртага шароит ўзгариб қолгудай бўлса, нима бўлади?», деб юриш билан ҳақиқий илм соҳиби бўлиш қийин. Мана, масалан Амир Темур тарихда тиклангандан кейин темуршунос (аслида темирчи) кўпайиб кетди. Яқинда бир дунё бехабар бир ерда «Бўрибой ака аввалларги ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласи билан шуғулланар эди, кейин, кўплар қатори, темиршунос бўлиб олди», деб гапирибди. Тўғри, мен илм-фандаги дастлабки қадамни ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини ўрганиш сари қўйганман. Бу мавзуда қатор китоб ва илмий мақолалар чоп этганман. Темуршуносликка эса ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини ўрганиш орқали кирганман. Асримизнинг 50-йилларидан. Шундан бери темуршунослик билан ҳам шуғулланаман. Яқинда бир муносабат билан илмий ишларимни ҳисоб-китоб қилиб чиқдим. Ўтган 40 йил мобайнида Амир Темур ва темурийлар тарихи ва маданияти соҳасида 49 та китоб, брошюра ва илмий мақолалар чоп этибман. Шу даврда кўп дашномларни ҳам эшитдим, кўп жиҳатларда беэътибор қолдим, лекин кўркмадим, фикримдан қайтмадим. Шунга амин бўлдимки, илм-фан, ҳар қандай касб-ҳунар сингари, жасоратни талаб қилади. Ўзимни том маънода жасоратли одам дейолмайман, лекин билганимдан қолмаслигимни яхши биламан, бир қадар ўжарман.

— Тарихимизда баҳсли нуқталар талайгина: масалан, Бобур ўз асарида «ўзбекларни қирдим» дейди. Гап қайси ўзбеклар хусусида бораяпти? Шуларга ҳам аниқлик киритиш керак чоғи?

— Энди икки оғиз сўз Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўрган ўзбеклар ҳақида. «Ўзбеклар» ва «ўзбек тоифаси» ҳақида «Темур тузуклари»да ҳам сўз боради. Улар аслида Жўчихоннинг тўртинчи ўғли Шайбоннинг улусидан (бу улусни Ботухон XIII асрда ташкил қилган бўлиб, Орол денгизининг шимолий қисмидаги ерлар ва ғарбий Сибирни ўз ичига олган) чиққан ўзбеклар бўлиб, Мовароуннаҳрга Ботухоннинг амри билан 1251 йилдан кейин кўчирилганлар. Биз, бу воқеаларга «Государство кочевых узбеков» (Москва, 1965 й.), «Ўзбек улуси» (Тошкент 1992), «Тарихдан сабоқлар» (Тошкент, 1994 й). «Амир Темурни ёд этиб» (1996) деган китобларимизда, шунингдек, «Темур тузуклари»нинг 1996 йилги нашрига ёзган катта сўзбошимиз (19-22 бетлар)да батафсил тўхталиб ўтганмиз. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни эса икки дарё — Сирдарё билан Амударё оралиғида кечган ва узоқ даврни ўз ичига олади. Бобур кўрган ёки «Темур тузуклари»да қайд этилган бу ўзбеклар тарихда «кўчманчи ўзбеклар» ёки «Дашти қипчоқ ўзбеклари» деб аталади.

— Соҳибқирон Амир Темур Олтин Ўрдани емириб рус князликлари, рус халқини озодликка чақиришда охир-оқибат жуда катта тарихий из қолдирди. Шундай бўлсада руслар Соҳибқиронни нега бунчалик ёмон кўради? Унинг руҳи-покини нега бунчалик топтадилар, бундан асл мақсад нима?

— Амир Темур 1391 ва 1395 йиллари Тўхтамиш ва Олтин Ўрданинг ҳарбий-сиёсий қудратига ўлим зарбасини бериб, мўғуллар асоратига тушиб қолган халқларга , шунингдек, Россияга ҳам, ўз озодлиги ва мустақиллигини қўлга киритишларида катта ёрдам берди. Буни бутун дунё олимлари, шунингдек, рус олимлари ҳам тан олишган. Масалан, атоқли рус тарихчиси С. М. Соловьев ўзининг кўп жилдлик «Россия тарихи» китобида бундай деб ёзган: «После разгрома Тамерым Тохтамыша Золотая орда долго не была опасно Московскому князю; в продолжение 12 лет летописи раза три упонимают только о двух-трех пограничных с ошибках...» Мана бу гап яна бир йирик рус тарихчиси А. Ю. Якубовскийга мансуб: «Победа Темура над Тохтамышем в 1395 году имела огромное значение не только для Средней Азии и тогдашней Юго-восточной Европы, но и для Руси... объективно победой над Тохтамышем он оказал русской земле [большую] услугу». Бундай фикрни рус тарихчиларининг китобларидан истаганча келтириш мумкин. Лекин, уларнинг ичида А.П. Новосельцевга ўхшаганлар ҳам борки, улар асл ҳақиқатни хаспўшлаб ўтадилар, Амир Темурга ўхшаган буюк шахсларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини қора бўёқларга бўяб кўрсатадилар. Петр I, Иван Грозний, Чапаев ва Будённийга ўхшаган биродарларини, аслида ҳақиқий жаллод бўлишларига қарамай, осмону фалакка кўтариб мақтайдилар. Бундан мақсад битта. Ўз асоратига тушиб қолган халқларнинг тарихи ва улуғ аждодларини унутдириб, уларни қулга айлантириш. Подшо Россияси ва шўролар тузуми Туркистонда, шунингдек Ўзбекистонда 130 йилдан ортиқ вақт ичида шундай сиёсат юритганлар.

Суҳбатдош:
Норбобо ШАКАРОВ

Яқин-яқинларда мамлакатимиз бозорларида гуручнинг нархи кескин даражада ошиб кетган эди. Чунки ўтган йили шоликорларимиз мавжуд майдонлардан мўл ҳосил йиғиштириб олишолмаганди-да.

Бу йил миришкор шоликорларимиз мўл-ҳосил етиштиришди. Дастлабки ҳосил гуручлари бозорлар пештахтасини тўлдирди. Маҳсулот кўпайиши натижасида гуруч нархи арзонлашди.

Айни пайтда шолини қайта ишловчи заводларга борган кишининг кўзи қувнайди. Қаторқатор машиналар карвони минглаб тонна «қирмизи дон»ни омборларга келтириб тўкмоқда.

Сирдарёдаги «Шуҳрат» акционерлик жамиятида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Бу йил вилоятдаги кўплаб хўжаликларда шолидан мўл ҳосил етиштирилди. Масалан, Сайхунобод туманидаги «Янгиобод», Сирдарё туманидаги «Шоликор» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаларида шоли ўрими қизғин. Ҳозиргача «Янгиобод»ликлар салкам 5 минг тонна шолини завод омборларига тўкдилар. «Шоликор» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси деҳқонлари ҳам кунлик суръатни тобора оширмоқдалар. Улар об-ҳавонинг қулай келишидан фойдаланиб мавсумни қисқа фурсатда муваффақиятли якунлаш учун астойдил бел боғлаганлар.

Маҳсулотни қайта ишловчиларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. «Шуҳрат» акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари корхонани янги мавсумга пухта тайёрлашди. Цехлар қайта таъмирланди, янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Энди эса янги ҳосил шолиси пешма-деш қайта ишланмоқда.

— Бу йил вилоятимиз хўжаликлари корхонамизга 12 минг 600 тоннадан зиёд шоли топшириши керак, — дейди акционерлик жамияти раиси Зайнулло Эргашев. — Дастлабки маълумотларга кўра хўжаликлар бу кўрсаткични янада оширишлари мумкин. Бу албатта яхши. Чунки бизда меҳнат қиладиган жами 180 киши тўлиқ иш билан таъминланади. Демак, халқимиз дастурхони ҳам тўкин бўлади.

Суратларда: «Шоликор» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг илғор комбайнчиси Юрий Соколов ва ўрим пайти.

Равил ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.

ХДП хабари

Саркотиб сайланди

Ўзбекистон ХДП Қўшработ туман кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси И. Холиқулов партия-дошларининг сардори этиб сайланди.

Шунингдек, йиғилишда бўлажак сайловларни юксак кўтаринкилик, уюшқоқлик ва сиёсий онглилик билан ўтказишда амалга оширилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди. Бу ҳақда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ер эгасини топди

Халқимизда «ерни очсанг ер сени очади» деган пурҳикмат ибора бор. Ҳалол меҳнат билан ҳосил йиғадиган танти деҳқонлару унинг заҳматини юракдан ҳис қиладиган одамлар буни яхши тушунадилар. Зеро юрт дастурхонининг тўкинчилиги, мамлакатнинг ободлиги ердан, одамларнинг меҳнатидан бунёд бўлади. Деҳқоннинг шодлиги, қувончи ҳам унинг ерга бўлган меҳридан, муҳаббатидан.

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги «Сардоба» хўжалиги ҳудудида «Ҳайдар» фермер хўжалиги бор. Унга 27 ёшли Ваҳоб Ҳайдаров бошчилик қилади. Фермер хўжалигида 110 гектар майдонда пахта, 30 гектар майдонда буғдой экилган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур хўжалик ташкил этилганига бир йил бўлган бўлса ҳам жорий этилган меҳнатнинг янгича усули кутилгандан юқори самара берди. Ўтган йили бор-йўғи шу майдондан 80 тонна пахта ҳосили олинган бўлса, бу йилги кўрсаткич 280 тоннани ташкил этди. Ҳосилдорлик режадаги 25 центнердан 30 центнерга кўтарилди.

— Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ, — дейди биз билан суҳбатда фермер Ваҳоб Ҳайдаров. — Жами саккиз киши меҳнат қиламиз. Эришилган юқори самара сўзимиз ва ишимиздаги якдилликда бўлди. Энг асосийси меҳнатдаги манфаатдорлик ва эртанги кунга ишонч бизни бир фурсат ҳам ҳаракатдан тўхтатмади.

Ҳа, фермер таъкидлаганидек, эртанги кун ишончи уларни муваффақиятга етаклади. Ишонч эса ерга эгалик ҳиссидан туғилади. Ер ўзингники бўлса, қулдай ишлайсан, фойдангга шоҳлардай яшайсан. Етиштирилган ҳосилни барчаси биринчи навга топширилди. Эрта баҳорда умид билан экилган «АН-Боёвут» навли пахта уруғидан улкан хирмон ясалди.

Бир сўз билан айтганда, Ваҳоб Ҳайдаров бошлиқ фермерлар ер юзини очган инсонлардан бўлди. Эндиликда юрт олдида уларнинг юзи икки ҳисса ёришди. Деҳқоннинг юрагига ором бермайдиган туйғу бўлади — жилвакор ер. У табиат сеҳридан. Фаровонликка элтувчи йўл ҳам бўлади — ишонч, меҳнат ва талпиниш. У деҳқоннинг меҳридан...

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Қонунлар ижроси таъминланади»

Каттақўрғон тумани прокурори адлия маслаҳатчиси Зоҳиджон Мухторов билан мулоқот

— Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун нималар қилишимиз керак?

— Менинг назаримда, биз фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини кўтаришимиз керак. Ҳар бир шахс қонун устуворлигини ўзи учун таъминлашга, талаб қилишга ўрганиши зарур. Президентимиз «Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт» деган эдилар. Ушбу тамойилга амал қилинадиган бўлса, қонун устуворлигига эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси, керак бўлса, курашиши зарур.

— Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида бугун туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Олиб борилаётган тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бераяптими?

— Бугун барчамиз жиноят, содир бўлишини кутиб турмасдан, унинг олдини олиш чораларини кўрмоғимиз керак. Менимча, прокуратура идоралари қонунлар ижросини назорат қилиш билан бирга, унинг ижросини таъминлашга эришмоғи зарур. Бизга маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида жойларда жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликка қарши кураш ва жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар ўрганиб чиқилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан кенг қамровли тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳозирда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд вилояти прокурори ўринбосари адлия катта маслаҳатчиси А. Азларов томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўзига хос механизм ишлаб чиқилган. Каттақўрғон туманида ҳам юқоридаги механизмни кенг жорий қилиш орқали эришишга ҳаракат қилмоқдамиз 1. Туман ҳудудида ишсизликни барҳам топиши учун олиб борилаётган профилактик ишлар; 2. Туман ҳудудида яшовчи муқаддам судланганлар билан олиб борилиши лозим бўлган ишлар; 3. Вояга етмаганлар томонидан содир қилинаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан профилактик ишларни кучайтириш; 4. Туманда ичкиликбозликка қарши кураш чоралари; 5. Туман ҳудудида фоҳишабозлик билан шуғулланувчи шахсларга қарши курашиш; 6. Туман ҳудудида қурол, ов қуроллари ва ўқ-дориларни қонунсиз сақлаш ва қонунга хилоф равишда эгалик қилиш ҳолатлари бўйича; 7. Паспорт тизими қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қўлланилган чора-тадбирлар тўғрисида. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар, юқоридаги жадвалларда кўрсатилган талаблар асосида иш олиб бориш ўз натижасини бермоқда. Биргина тумандаги ишсизликка қарши олиб борган ишларимиз натижасида 1540 фуқаро иш билан таъминланди. Демак, бу ўз-ўзидан шунча оилада тинчлик, осойишталик юз берганлигини кўрсатади. Таҳлиллардан маълумки, асосий жиноятларни ҳеч жойда ишламайдиганлар содир этмоқда. Бу масаланинг туб негизидир. Биз шунинг учун ҳам туман суди, ички ишлар бўлими, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими билан биргаликда туманда мавжуд бўлган ишсизларни манфаатини тўлиқ назорат қилиб, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Юқоридаги ҳар бир талабларни қонун даражасида ҳал этсак жиноят ва ҳуқуқбузарликни содир бўлишини камайишига имконият яратилади ва жиноятчиликнинг олди олинади.

— Бугун раҳбарлар, моддий жавобгар шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар, талон-торожликлар, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Фуқаролар томонидан шикоят ва аризалар таҳририятларга кўплаб келмоқда. Ушбу ҳолатлар бўйича туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳақиқатдан ҳам, айрим фуқаролар ўзлари моддий жавобгар бўлишларига қарамасдан давлат мулкини ўзлаштириш, ноқонуний равишда фаолият кўрсатишга, кўзбўямачиликка йўл қўяётганлиги ташвишли ҳолатдир. Бундайлар раҳбар бўладиларми ёки бошқами биз уларга қарши ашаддий курашишимиз керак. Туман прокуратураси томонидан 1999 йилнинг 9 ойи давомида умумий назорат тартибида кўзғатилган жиноятлар шуни кўрсатмоқдаки «Ўзим хон, қўланкам майдон» дегувчи айрим шахсларнинг нафслари ҳакалак отиб кетган. Қўлимиздаги материалларга мурожаат қиламиз:

Тошпўлатов Сағдулло 1997 йилнинг январь ойидан бошлаб 1999 йилнинг 13 январь кунига қадар «Омонбой» чакана савдо корхонаси раиси лавозимида ишлаб келиб, масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда, шу чакана савдо корхонасида ишловчи бошқа мансабдор шахслар билан биргаликда, ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 1998 йилда корхонага қарашли 3 та дўконда таъмирлаш ишлари бажарилди деб, сохта ҳужжатлар тузиб, бажарилган ишлар учун жами 358665 сўмлик маҳсулотларни дўкон мудирлари ҳисобидан чиқим қилиб, таъмирлаш ишларини бажарган ишчиларга тарқатилди деб 358665 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ишчиларга бермасдан, ўз манфаатлари йўлида ишлатиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Ушбу ҳолат юзасидан Тошпўлатов Сағдулло ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиб ҳозирда жиноят иши туман судига юборилган.

Юқоридаги ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, халқ ишониб сайлаган раҳбарлар, халқни ўйлаш ўрнига ўз манфаатларини кўзлаб инсофни унутиб қўймоқдалар. Менинг назаримда, раҳбар маънавияти хусусида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Чунки, халққа ўрнак бўлиш, фидойилик кўрсатиб, меҳнати ортидан обрў-эътибор орттириш ўрнига, жиноятчи деган номга эга бўлиш, бу тавқи лаънатни кўтариб юриш уят.

— Туман прокуратураси маҳаллаларда, фуқаролар йиғинларида қандай ишларни амалга оширмоқда? Бу ҳамкорликнинг ижобий натижалари сезилаяптими?

— Каттақўрғон туман прокуратураси томонидан туман ҳудудида 1999 йилнинг ўтган 8 ойи давомида содир этилган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар туманда мавжуд бўлган 13 та фуқаролар йиғинлари бўйича таҳлил қилинди. Бундай таҳлил 1998 йил бўйича ҳам ўтказилган эди. Таҳлилдан сўнг биз барча фуқаролар йиғинларига тақдимнома юбордик. Масалан, Пайшанба шаҳарчаси фуқаролар йиғинига қарашли маъмурий ҳудудда 1999 йил 8 ойида содир қилинган жиноятлар ва уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф қилиш юзасидан ҳам таклифларимизни бердик. Ўзаро ҳамкорлигимиз туфайли жиноятчилик ўтган йилларга нисбатан сезиларли камайганлигини кузатиш мумкин. Биз ҳар бир маҳаллада жамоатчилик назоратини кучайтириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг натижасида ўнлаб жиноятларнинг олди олинмоқда. Бу эса бевосита жамоатчиликнинг кўмаги туфайли юз бермоқда. Шу йил 16 август куни «Огоҳликка даъват ва туманда жиноятчиликка қарши ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича белгиланган вазифалар тўғрисида» туманимиз фаоллари билан йиғилиш ўтказдик. Мақсад битта, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги.

— Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари бажарилиши юзасидан туман прокуратураси томонидан қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Каттақўрғон туман прокуратураси томонидан 1999 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида биргина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрь 604-сонли қарорининг бажарилиши юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларини қўпол равишда бузилишига йўл қўйганлиги сабабли биргина «Омонбой» чакана савдо корхонаси раиси номига ушбу қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида тақдимнома берилган. Ушбу тақдимнома корхона умумий йиғилишида кўриб чиқилиб, 23 та шахс моддий жавобгарликка тортилган, 13 та дўкон мудири вазифасидан озод қилинган ва 12 та шахсга ҳайфсан эълон қилинган.

Умуман олиб қараганда биз ҳар бир Фармон, қарор ва Қонунларга қай даражада амал қилинаётганлигини назорат қилишга масъулмиз.

— Бугун Республикамизда обуна мавсуми бошланди. Прокуратура ходимлари қайси газеталарга обуна бўлишмоқда?

— Биз барча ҳуқуқий мавзудаги газеталар ва журналларимиз қаторида ўзимизнинг севимли газетамиз «Ўзбекистон овози»га ҳам бутун жамоамиз билан обуна бўлмоқчимиз. Очиғи ушбу газетанинг ўзига хослиги, курашчанлиги, дадиллиги ёқади бизга.

Менинг назаримда бугун Самарқанд вилояти прокуратура идораларида янгиланиш, изланишлар давом этмоқда. Фикримизни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари 2- даражали давлат адлия маслаҳатчиси Р. Х. Кодировнинг мана бу сўзлари ҳам қувватлайди: «Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан олиб борилаётган тадбирлар жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши боис, улардан амалётда кенг фойдаланиш максадга мувофикдир».

«Ўзбекистон овози» мухбири Фаруҳ ҲАМРОЕВ суҳбатлашди

ДУШАНБА 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Қалб тароналари».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Муҳаббат дарси».
10.45 Ватан тимсоллари.
10.50 Кундузги сеанс: «Арабелла — қароқчи қизи». Бадиий фильм.
12.05 «Шоҳруҳ» клуби.
12.35 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
12.55 «Санъат олами».
13.15 «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
14.10 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.50 «Сайқал».
15.10 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Бибихоним».
